

Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

YOSHLAR OVOZI

№38 (16343)

2019-YIL 10-MAY, JUMA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Сайтнинг ахборот хизмати: 010-233-0000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар! Мухтарам фахрийлар! Хурматли меҳмонлар! Сиз, азизларимиз, кўпмишларимиз бугун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 74 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборабод этаман. Бугун барчамиз аввало буюк Ғалаба бекис хисса кўшган, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаган азиз инсонларни ёд этамиз, уларнинг хотираси, пок руҳлари олдида таъзим қиламиз. Шафқатсиз урушда, машаққатли меҳнат фронтида мардлик ва жасорат кўрсатган барча фахрийларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром, чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замоналар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади. Минг-минглаб жасур ота-боболаримиз дунёдаги кўплаб халқлар қаторида бу муҳаббат урушида чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бу сўнмас жасорат, мана, 74 йилдирки, биз учун мардлик мактаби, гуруҳ-нифтиҳор манбаи бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳақиқатан ҳам, 9 май – Ғалаба кунини эл-юртимизнинг асл фарзандлари беш йил давомида мардона жанг қилиб, ёвуз душманни тор-мор этган, мислсиз талофатлар эвазига эришган шон-шараф айёмидир.

Бу – ҳеч қачон унутилмайдиган, ҳеч қандай куч билан тортиб ололмайдиган буюк тарих, қудратли маънавий бойлигимиз десак, айна ҳақиқат бўлади. Биз бу тарихдан куч-қувват оламиз. Бу тарих бизни тинчликни асраб, барча халқлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ келажак бунёд этишга даъват этади. Ушбу тантанали, айна вақтда маъносиз кунларда ўтмишдан зарур сабоқ ва ҳулосалар чиқариш учун уруш даврига қайта-қайта мурожаат қилишимиз табиийдир.

Инсоният тарихидаги энг дахшатли бу урушда 1 ярим миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқароси қатнашган. Уларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган, 133 миң нафарга яқини бедарак йўқолган. 60 миңдан ортиқ ватандошларимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтган. Ўзбекистонлик 120 миңдан зиёд аскар ва офицер жанг майдонларидаги жасорати учун жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган. Уларнинг орасида 280 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 82 нафар ушбу даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлган жасур инсонлар бор-

лигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бугун халқимиз “Хамма нарса – фронт учун, хамма нарса – ғалаба учун!” деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикаимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздан жанг майдонларига 2 миңдан зиёд самолёт, кўплаб курул-яроғлар, ҳарбий-санитария поездали, юзлаб дала ошхоналари, палаткалар, улкан миқдорда озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа махсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон ахли уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз номини улар билан баҳам кўрди. Айниқса, ота-онаси, онласидан жудо бўлган 200 миң нафар беғуноҳ болаларни “Сен етим эмассан!” деб бағрига босиб, меҳр-муруват кўрсатди.

Албатта, бу рақамлар – шунчаки статистик маълумотлар эмас. Бу рақамлар бошимиздан кечирган муҳаббат уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақиради. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва оғоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳизмат қилади. Хурматли ватандошлар! Барчангизга маълум, Иккинчи жаҳон урушида, меҳнат фронтида иштирок этган муътабар фахрийларимизга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Бугунги орд ва эркин ҳаёт учун, фарзандларимизнинг бахти ва камолоти учун биз уларнинг олдида чексиз қарздоримиз.

Бу азиз инсонларни асраб-авайлаш, уларнинг соғ-саломат ва мазмуни умр кечирилари учун барча шароитни яратиш бериш – ҳаммамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир. Айниқса, раҳбар ва мутасаддилар бунинг биринчи навбатда чуқур ҳис этишлари лозим. Биз шу мақсадда бошлаган ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз, шу йўлда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Шу тарихида биз ўз тарихимизни, аجدодларимизга хос жасорат ва митонга туйғусини, жанговар аналларини келгуси авлодларимизга мерос қилиб қолдиришга эришамиз. Бу ишларни бугун қилмасдан, эртага кеч бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу таъминотлар мумкин. Ушбу айём кунлари бугунги тинч-осойишта ҳаётга қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озолиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табрикно-

маси, 7 миллион 500 миң сўм миқдорда бир йўла тўланадиган пул муқомул-моҳиятида ана шундай эзгу таъминотлар мумкин. Ушбу айём кунлари бугунги тинч-осойишта ҳаётга қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озолиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табрикно-



БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

Бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жон фидо қилган аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равақли йўлда хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу таъминотлар мумкин. Ушбу айём кунлари бугунги тинч-осойишта ҳаётга қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озолиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табрикно-

маси, 7 миллион 500 миң сўм миқдорда бир йўла тўланадиган пул муқомул-моҳиятида ана шундай эзгу таъминотлар мумкин. Ушбу айём кунлари бугунги тинч-осойишта ҳаётга қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озолиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

“Махалла” хайрия жамоат фонди бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озолиги ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказмоқда. 9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди – ҳарбий оркестр салоплари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Шу кунги Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 74 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.


(Давоми 2-саҳифада).

дан фойдаланган ҳолда илмий ишланмаларини тақомилга етказди. Бундан ташқари, ёшлар махсус семинар ҳамда тренингларида жалб қилиниб, тадбиркорлик асослари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, солиқ сиёсати, бизнес-режа тузиш тартиби, шунингдек, сармоядорларга стартап лойиҳаларини қай тарзда тақдим этиш кераклиги хусусида тўқис маълумотга эга бўлди. Таъкидлаш жоиз, акселераторлар инновацион марказлар, инкубаторлар, бизнес-фахрийлар ёки венчур фонди каби стартап экотизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай тизим мамлакатда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш учун ниҳоятда зарур. У жамиятда креативликни ошириб, янги ёшларни бизнес лойиҳалар даражасига етказиш, пировард натижада эса иқтисодиётни юксалтиришга имкон беради. — Стартап харакати Ўзбекистон учун янги ҳодиса эмас, — дейди “С.А.Т. Science Accelerator” лойиҳасининг

ОЛТИНГА ТЕНГ ҒОЯЛАР

Ўн еттита юқори технологик стартап, бир-биридан ёрқин ғоялар ва илм-фани бизнес билан уйғунлаштириш имконияти. Ўзбекистондаги биринчи илмий акселератор — “С.А.Т. Science Accelerator”нинг дастлабки натижаларини лўнда қилиб шундай ифодалаш мумкин.

яқунларига бағишланган йиғилишда сўз олган Инновацион ривожланиш вазирини Азимжон Назаров. — Ёшларнинг ташаббусларини юзага чиқариш учун турли танловлар ўтказилмоқда. Лекин ҳозирча кўпгина стартапларимиз ахборот технологиялари соҳасига тегишли. Ваҳоланки, дунёда айнан илмий лойиҳаларга талаб ортмоқда. Бонси улардан катта даромад олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, Юқори технологиялар маркази Ўзбекистондаги иқтисодий самараси юқори бўлган илмий ғоялар акселерацияси билан шугулланишга қарор қилгани айна мўлдо. Акселерация жараёни бўлгуси стартапга нафақат ғояни тайёр тижорий махсулотга



айлантириш учун керакли билим ва кўникмалар бериш, балки бунинг амалда қўллаб қўришни ҳам назарда тутди. Акселераторнинг инкубатордан асосий фарқи ҳам шунда. “С.А.Т. Science Accelerator” иштирокчиларига тажрибали менторнинг етуқ мутахассислари ҳамда бизнес кураторлар бириктирилиб, жамоалар ярим йил мобайнида марказ базасида таққот натижаларини синовдан ўтказди. Бир вақтнинг ўзида уларга стартап яратиш технологияси, яъни илмий ишланмадан даромад топиш усуллари ўргатилди. Финалда ҳакамлар ҳайъа-

ти эътиборига олиш ҳудудлар аҳолиси учун ичимлик суви етказиб берадиган автоном насос қурилмалари, маҳаллий хомашёдан лектин моддасини олиш, суяқ пластирь, стоматологик нусха кўчириш қоғози, ипақдан жаррохлик илларини ишлаб чиқариш технологиялари, қонда глюкоза миқдорини аниқлаб берувчи экспресс-тест, буйрак касалликларига тезкор ташхис қўйиш усули ва бошқа ўнлаб лойиҳалар тақдим этилди. Стартапларни баҳолаш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, юртимиздаги йирик технопарклар, қоворқин марказлари, бизнес-инкубаторлар вакиллари, тадбиркорлар тақдиф қилинди. Акселераторнинг барча иштирокчиларига сертификатлар топирилди. Энг юқори балл тўплаган учта жамоа эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, ўнга лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган стартап лойиҳалар танловиди иштирок этишга тавсия этилди.

Наргиза УМАРОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Бошланғичи 1-саҳифада).

Фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни тарихини ўрганишда янада уйғок, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги назиятга ҳам, келгуси жараёnlарга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак таракқиётга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Азиз дўстлар!
Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табарруҳ Она сиймоси кўз ўнгимизда намоен бўлади. Чунки эл-юрт химосини ор-номус иши деб биланган мард ва ботир ўғлонларни воға етказган улуг зот — онадир. Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштарак оналаримиздир.

Бамисоли сабр-бардошдан яратган, уруш йилларида муҳаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродини оналар юртимизда кўплаб топилди.

Сўзининг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исми билан муътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этган, Зулфия ая беш ўғил ва бир қизини тарбиялаб воға етказганлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғилдан — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исми азиз фарзандларидан жудо бўлган.

Унингиз айгинг, қадри дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яқсон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожияли қисматга

беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёкка турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!

Евуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшайди. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўймас хотираси, ёруғ қушлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшайди.

“Жойи чиқса, турмуш қилинтар, мен сизлардан мингдан-минг розиман”, дейди Зулфия ая келинларига. Лекин улар ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, унга маъна бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолади, бошқа турмуш қурмайди.

Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати!

Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг энгилмас куч-қудрати!
Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз қимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!

Ҳаётда бирон-бир кийинчиликка дуч келса, умидсизликка тушмасдан, уларни бардош билан энгиб ўтишда Зулфия Зокирова ва унинг оиласи ёш авлодимиз учун чинакам ибрат мактаби эмасми?

“Яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмайди”, дейди халқимиз. Биз эгиз ният билан бардош этадиган Галаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан кайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб мухташам хайкал ўрнатсақ, унга “Матонат мадҳияси” деб ном берсақ, нима дейсизлар?

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги янги ҳаёт, бекисё ўзгартирилган ҳаммамиздан янгича сафарбарликни талаб этмоқда. Мана шу жараёнда тинчликни асраш, дунёдаги тараққиёт-парвар халқлар, давлатлар билан ҳамкорликни кўчайтириш бош вазирамизга айланмоқда.

Ўзбекистон ташқи сийосатида узоқ-яқин барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни ривожлантириш бундан буюн ҳам устувор йўналиш бўлиб қолади.

Айни вақтда яна бир ҳақиқатни ҳам ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Энг катта, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчликка раҳна солиш, турли халқлар ўртасида уруш оловини ёқиш, миллий ва диний эҳди-диётларни авж олдиришга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Бундай ёвуз кучларга қарши курашда аввало доимий хушёрлик ва огоҳлик, жаҳолатга қарши — маърифат, бутун халқимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлиги халқ килувчи роль ўйнайди.

Шу мақсадда мустақиллигимиз ва тинч ҳаётимизнинг ишончли химосини бўлган Қуролли Кўчларимизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини янада ошириш, халқ ва армия бирлигини мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ҳозирги гоёт мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу вазифарини муваффақиятли адо этишда мухтарам фахрийларимизнинг жасорати, шонли аъёнлари, ҳеч шубҳасиз, биз учун ҳаммаиша ибрат бўлиб қолмакчи. Айниқса, сизлар барча ишларимизда доно маслаҳатдўст, тоғдек таянч бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлидаги илоҳотирагимизга ўз амалий ишлариниз, дўстлариниз билан маъна бериб келмоқдасиз. Ва биз буни юксак қадрлаймиз, сизлар билан чеқис фахрланамиз!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тинч ва озо, эркин ҳаётимиз, мусавво осмонимиз учун ўз номидан, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдираман.

Барангизга сихат-саломатлик, бахт-салват, хонадонларингизга кут-барак тилайман. Доимо ҳаётимизга файз бериб, эл-юртимиз ардоғида бўлиб юришингизни Яратқандан сўрайман.

Бахтимизга ҳаммаиша омон бўлинг!
Галаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

Катта раҳмат сизларга!



ЮРТНИ СЕВИШ — ШАРАФ

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб юртимиз ҳудудларида ёшлар иштирокида турли маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жойлардан мухбирларимиз хабар беради.

ХОРАЗМ

Янгиариқ туманидаги 37-ис-тисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари кўни кеча 98 ёшли Исмоил Юсуфов билан учрашди. Уруш фахрийси фронтда кўрган-кечирганлари ҳақида сўзлар экан, балалар кўз ўнгисида тарих мисли жонлангандек бўлди. Улар тинчлик инсоният учун ҳаммаиша улуг қадрият бўлиб қолиши кераклигини теран англади.

ХИВАЛИК

Иброҳим Машарипов ҳам Иккинчи жаҳон уруши жанг-гоҳларидан омон қайтган ўғлонлардан бири. Ҳозир отахон 96 ёшда. Уша машҳур йиллар худди кечадек эсида. Эсласа, кўзи ёшга тулади. Хотира ва қадрлаш кунини муносабат билан Хоразмда “Шараф лентаси” акцияси ҳам ўтказилди. Ёшлар иттифоқи аъзолари Миллий гвардия ва ҳарбий қисм хизматчилари билан бирга давлатимиз байроғи акс этган ленталарни кўплаб ҳоржий сайёҳларга ҳам тарқатди. — Ўзбекистонга илк ташрифим ажойиб байрамга тўғри келганидан хурсандман, — дейди корейлик меҳмон Чо Хён У. — Шараф ленталари эътиборини тортиди. Менимча, бу ўзинга хос ватанпарварлик рамзи бўлса керак. Оила аъзоларим учун ҳам ленталар олдим. Юртингизда уруш фахрийлари ва умуман, кекса авлод вакиллари қанчалик шарафланганга хақида уларга, албатта, гапириб бераман.

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрган туманидаги 1-умумтаълим мактабидо “Хотира — абадий, қадр — муқаддас!” шiori остида ўтказилган хотира кечасида татлим дароҳуниинг собиқ устоз-мураббийлари, маҳалла нуронийлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда мудоффа тизимининг туман бўлимлари вакиллари иштирок этди.

Меҳмонлар тантанали тарзда кутиб олинди. Ёшлар иттифонининг етакчи ва сардорлари отахонлар кўксига “Шараф лентаси”ни тақиб кўйди. Бундай эътибор уларнинг



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Байрам олдидан нуқсуслик бир гуруҳ ёшлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мусо Ернўзев ҳамроҳлигида уруш қаҳрамонлари — Нурullo Абдуллаев ҳамда Назарбай Тажибаевни ўқлаб хонадонларига борди. Нуронийларга Президент номидан тул муқофотлари топшириди. Эсдалик сифатида машиини техника буюмлари ҳам совға қилинди.

ТОШКЕНТ

Оққўрган туманидаги 9-умумтаълим мактабининг сардор ўқувчилари ҳам хотира акциясини ўтказиб, уруш ва меҳнат фахрийларига байрам табриқларини етказди. Ёшлар Умрзоқ Алибоев, Абдулаҳад Шамсиддинов, Нурullo ва Абдуваид Буқабоевлар, Ҳикмат Абдураимов, Пардабой Эргашев хонадонларида бўлди. Кексаларнинг ўтмиши хотираларини тинглаб, фотоальбомлари билан танишди.



роқ этди. Ёш авлодни ватанпарварлик, аждодлар хотирасига хурмат руҳида тарбиялаш муҳимлиги қайд этилди.

Сўнгра коллеж ўқувчилари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси М.Ходиев хондан хабар олди. Отахон 92 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳали ҳам бардам-бақувват. У ёшларга тинчликнинг қадрига етиш, юртимизда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш кераклигини уқтирди.

— Давлатимиз кексаларга гамхўрлик кўрсатмоқда, — дейди М.Ходиев. — Урушда бир оғимдан айрилдим. Лекин шунда ҳам яшашга умидим сўнмади. Ватанимга қайтиб келиб, бир эмас, икки олий ўқув юртини тамомладим. Ҳаётимдан сира нолимайман. Ҳаммаси учун шукр!

ТОШКЕНТ

Оққўрган туманидаги 9-умумтаълим мактабининг сардор ўқувчилари ҳам хотира акциясини ўтказиб, уруш ва меҳнат фахрийларига байрам табриқларини етказди. Ёшлар Умрзоқ Алибоев, Абдулаҳад Шамсиддинов, Нурullo ва Абдуваид Буқабоевлар, Ҳикмат Абдураимов, Пардабой Эргашев хонадонларида бўлди. Кексаларнинг ўтмиши хотираларини тинглаб, фотоальбомлари билан танишди.

БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

(Бошланғичи 1-саҳифада).

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ва меҳнат фахрийлари тақриф этилди.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан алоҳида саломлашиб, ҳол-аҳволи сўради. Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр тиледи. Нуронийлар юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дўстлар қилди.

Рамзий саҳнада машҳур ўзбек генерали Собир Раҳимов кўмондонлигидаги дивизиянинг қаҳрамонлиги акс эттирилди. Президент фахрийлар билан бирга уни томоша қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 74 йиллиги билан барча фахрийларини, бутун халқимизни табриқлади.

Богда Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси акс эттирилди. Поезд ва ҳарбий техникалар намойиш қилинган. Кўмондонлик штаби, окоп ва блиндажлар, тиббиёт пункти, дала ошхонаси қурилган. Жанг майдонларида аскарларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси, ота-боболаримизнинг фронт орти меҳнат фаолияти акс этган.

Саҳна ортидаги улкан мониторда халқимизнинг уруш даврида кўрсатган матонати ва жасорати, ёвуз ўғлонларнинг мислиси қаҳрамонлиқлари акс этган лавҳалар намойиш қилинди. Мардлик, Ватан, тинчлик тараннум этилган шiorлардан юраклар жунбушта келди. Давлатимиз раҳбари галабага катта ҳисса қўшган барча ватандошларимизнинг жасорат ва матонатини янада чуқур ўрганиш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги илмий тадқиқотлар, баддий асарлар, кинофильмлар ва спектакллар яратиш, ёшларимиз қандай фидойи инсонларнинг жасорати эвазига бугунги тинч ва бахтли замонда яшаётганини билиши ва бунинг қадрига етиши зарурлигини таъкидлади.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган, мислиси йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч қачон унутмайди. Уруш арқасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг ярим миллиондан зиёди халок бўлган, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқотгани ҳисобга олинмаган бўлса, бу галаба халқимиз учун нақадар қимматга тушгани яққол аён бўлади. Халқимизнинг уруш йилларидаги

чинакам матонат ва жасорати бутун инсоният учун ибратдир. Ўзбек халқи жанг майдонларидан юртимизга эвакуация қилинган бир миллионга яқин кишига ўз уйдан жой берди. Улар орасидаги 200 миң болани қозлаб ўзбек оилалари “Сен етим эмассан”, деб ўз паноҳига олган, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, қаттакўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббус билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонига тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи хотирасига хурмат сифатида барпо этилган хайкал қайта ўрнатилгани бу бағрикенглигининг яна бир намунаси.

Давлатимиз раҳбари айни вақтда Тошкент шаҳрида Галаба боғини барпо этиш бўйича лойиҳа-қурилиш ишлари бошлаб юборилганини қайд этди. Албатта, бу боғ ва унинг таркибида бунёд этиладиган Шон-шухрат музейини мейморий жиҳатдан энг гузал ва мукамал лойиҳалар асосида яратамиз. Бу мухташам ёдгорлик мажмуасининг ички маъно-мазмунини, музей экспозициясини шакллантиришда биз мухтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зинелларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, тақриф ва тавсияларига таянамиз, деди Президент.

— 1943 йил урушга кетдим; — дейди Сирдарё тумани Дехқонобод маҳалласида яшовчи Холқўзи ота Тошқўзиев. — Галабадан сўнг узоқ йиллар кутубхоначи бўлиб ишладим. Турмуш ўртоғим Мукаррамхон билан ўш фарзандини улайтирдик. Олтмишдан ортиқ неварачеварамиз бор. У даврларни эслаш биз учун азоб. Галабага ҳисса қўшган ўғил қуролдош дўстларимиз ҳоки бегона юртларда қолиб кетди. Илоҳим, у кунлар қайтиб келмасин.

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар намоен бўлди. — “Хотира мангу” композицияси намойиш этилади.

Машҳур суҳандон Юрий Левитаниннинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонини ўқиган овози янгради. Йигитлар Ватан химосига отланди. Мониторда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвири акс этди. — Ўзбекистонда Хотира ва қадрлаш кунини нишонланаётгани замирида жуда катта маъно-мазмун бор, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзян Янь хоним. — Иккинчи жаҳон уруши тугаганига анча бўлди, лекин

ундан чиқариладиган сабоқ, ҳулосалар хали ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу эса галабанинг қадр-қиммати янада оширади. Ўзбек халқи ана шу улкан галабага муносиб ҳисса қўшгани билан фахрланади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида фашизмга қарши курашда халок бўлган ўзбекистонликларнинг хотирасини ёд этиш, уларнинг руҳи покларига хурмат бажо келтириш зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, хотира бугунги авлодни тинчликни қадрлашга ўргатади. Президентингиз, шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осие давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги бундан буюн ҳам мустаҳкамлашиб боришини қайд этди. Биз бу муносабатларини гоёт қадраймиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонамиз.

Байрам дастурда атоқли шoir ва санъаткорларимизнинг шеър ва кўшиқларига кенг ўрин берилгани Хотира ва қадрлаш кунини мазмун-моҳиятига мос тушган. Гафур Ғулом қаламига мансуб “Сен етим эмассан” шеърининг муаллифдан ёзиб олинган парчалари эшиттирилганда, қалблар парзанда келди.

Алишер Навойининг “Мубтало бўлдим санга”, Муқимийнинг “Айриьмасин” ғазаллари, Камтарнинг “Аскар мактуби”, Хайридин Салоҳнинг “Мени эслагим”, Исроил Ваҳобовнинг “Ўзбекистоним”, Булаг Ақуджаванин “Нам нужна одна победа”, Яков Галицкийнинг “Синий платочек” каби шеърларига бастанланган кўшиқлар янгради.

Концерт харбий оркестр ва танкичи хонадонлар иштирокида давом этди. — Уруш тугаб, галабага эришилгани хақида Юрий Левитан эълон қилди. 74 йил олдинги бу қувонч, сурур яна бир бор тадбир иштирокчиларини хаяжонга солди.

— Биз бахтли авлодимиз — шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаёмиз, — дейди Исом Каримов номидоги Тошкент давлат техника университети талабаси Гулруҳ Пардаева. — Бунда бобо-бувиларимизнинг, барча нуронийларимизнинг ҳиссаси бекисё. Президентимиз таъкидлагандек, уларга гамхўрлик қилиш, умрларини узайтириш учун барча шароитларни яратиш ҳаммамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Уруш йилларининг аянғли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган баддий дастур қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎА мухбири



#RibbonHonor



#ЛентаСлавы



— Хотира ва қадрлаш куни

18 ГА КИРМАГАН ЖАНГЧИ

Комилжон Зуфаров 1925 йилнинг ноябрь ойида туғилган бўлса-да, гувоҳномасини расмийлаштиришда 1 май деб ёзилади. Шу оддий янглишмовчилик унинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Ҳали 18 ёшга тулмаган Комилжон ўшанда тиббиёт институтининг 1-босқичида ўқирди. Уни ўқибдан қолдириб, тенгдошларидан айириб, ўт-олов ичига жўнатишди.



— Уруш бошланганида тўрт яшар бола эдим, — дейди Парлабой Эргашев. — Кишлоғимиздаги ҳамма эркаклар фронтга сафарбар этилди. Дала ишлари уй юмушлари кексалар ва аёллар зиммасида қолди. Кечаю кундуз меҳнат қилардик. Жангчиларга иссиқ кийим ва озиқ-овқат етказиб бериш учун томоркаларда етиштирилган бугдой ва маккажўхори давлат ихтиёрига топширилган. Ўқитувчилар йўқлиги туфайли мактаблар ҳам ёпилди. Ҳар куни урушда ҳалок бўлганлар тўғрисида қора хатлар келарди. Шунча кийинчиликларга қарамай, халқимиз галаба руҳи билан яшайди. Бу кунлар энди ҳеч қачон бошимизга тушмасин, дейман. Тинчлик — улуг неъмат. Унинг қадрига етайлик.

ҚАШҚАДАРЭ

Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ташаббуси билан Яққабоб туманидаги 48-умумтаълим мактабида “Уч авлод учрашуви” бўлиб ўтди.

Тадбирда Миллий гвардия, Ёшлар иттифоқи вакиллари, “Муҳим” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, устоз-мураббийлар, ота-оналар ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Учрашувда ёшларда Ватанга садоқат туғдусини қучайтириш, эл-юрт манфаатларини барча жабхаларда химоя қилишга интилиш, мафкуравий таҳдидларга қарши мустақкам иммунитетни ҳосил қилиш бугунги куннинг доларб масалалари экани қайд этилди.

Шундан сўнг тадбирнинг бадиий қисми бошланди. Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, мактаб ўқувчилари ижросидаги гўзал рақслар, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан тайёрланган қўл жанги усуллари бўйича кўргазмали чиқишлар йиғилганларда ёрқин таассурот қолдирди.

Яқунда аълочи ўғил-қизларга Иттифоқнинг кўкрак нишони, бадиий адабиётлар ҳамда фахрий ёрликлар топширилди.

Рохатой ҚОДИРОВА тайёрлади.



— 1943 йилнинг 18 феввали эди, — дея хотирлаган эди Комилжон Аҳмаджон ўғли. — Ўқибдан қайтсам, ҳарбий комиссарнатдан чакириқнома келган экан. Эртасига у ерга бордим. Хужжатларимни текшириб, алоҳида хонага олиб кирди. Ўша кунларда сонимини тақир қилиб олдириган эдим. “Кетишга тайёр экансан, баракалла йигит! Энди ҳаммомга тушсанг бўлди”, деди у ердаги ходимлар. Ўша куни кечкурун соат беш яримда фронтга жўнатиш учун тўппа-тўғри вокзалга, эшелонга олиб чиқишди. Тасодифан бир танишимизни кўриб қолиб, урушга кетаётганимни уйимдагиларга етказиб қўйишни айтишга улгурдим, холос. Эшелон тўлган. Вақт зик. Оиламиздан кимдир келиб қолармикан деб охириги вагоннинг сўнги йўлагига кўзим тўрт бўлиб, ён-атрофга аланглайман. Қани бирор яқиним кўринса! Паровоз узун гудок чалиб, жойидан жилди. Аммо ҳамон йўлга умид билан тикилардим. Нахотки ҳеч ким билан хайрлаша олмасам?! Мени кузатишга ҳеч ким чиқмас?! Хўрлигим келиб, томоғимга нимадир тикилгандек бўлди. Шу пайт одамлар орасидан туртиниб-суришиб, вагон томон шобиш келаятган отамни кўриб қолдим ва унга қўл силтаб овозимнинг борича: “Хайр, алажон, хайр! Мендан хавотир олманглар. Мен албатта келаман, кутинглар!” — деб кичкирдим. Отам анча жойгача эшелон ортидан югуриб, икки қўлини фотиҳага



кўтариб, оқ йўл тилагани, бир нималар деб ишора қилгани хали-хануз кўз ўнгимда...

— Бизни дастлаб Кавказор-ти фронтга келтиришди, — дея сўзида давом этган эди сўхбатдошим. — Бу ерда қисқа фурсат ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, Сталинград фронтга келиб тушдик. Бу пайтда Волга бўйидаги шаҳар энди қуриётган чиккан, аммо жанговар вазият ниҳоятда қалтис ва оғир эди. Мен бу ердаги Суворов номи 2-кирувчи авиация дивизияси полкида олдий ўқич аскар бўлиб хизмат қила бошладим. Кейинчалик 2-Украина fronti таркибида Украина, Молдова, Руминияни озод этишдаги жангларда қатнашиб, урушни Бу-

дапештда тугатдим. Руминиядаги бир воқеа хотирамда сақланиб қолган. Биз Будапештга кириб борганимизда ҳаммаёқни ишга яроқсиз қурол-аслаҳалар босиб кетган экан. Бизда эса қурол-яроғлар танқис эди. Булим командиримиз Тўхтамшев деган сержант билан турли қурол-яроғлардан зарур қисмларни топиб, тўрт оғизли тўп ясадик. Уни жанговар ҳолатга келтирдик. Бу шунақанги қучли қурол эдики, тўртта оғзи бараварига ишга тушганда, унинг зарбидан 50 квадрат метр жойдаги ҳамма нарса ёниб, ер билан яқсон бўларди. Бу ихтиромизни командирларимиз маъқуллаб, Москвадан махсус мутахассислар чақирди. Улар биз ясаган йиғма тўпни жанг майдонида синовдан ўтказиб, ўзлари билан бирга олиб кетди. Кейинчалик бизнинг бу ихтиромиз “Жанговар хизматлари учун” медалига сазовор бўлди. Шу-шу биз зенитчи номини олдик.

Бундай воқеалар Комилжон Зуфаровнинг ҳаётида анчагина. Мана яна биттаси.

— 1944 йилнинг июль-август ойларида биз Одесса ҳарбий аэродромда хизмат қилиб, душманга қакшатиқ еттинчи зарба беришга тайёргарлик кўрардик. Душманини қалғитиш мақсадида никоб учун асосий аэродромдан нарида ури-либ-сурилиб, пачок бўлган самолётларни бир-бирига сим арқон билан боғлаб, ёлғондакам аэродром ташкил қилган эдик. Тонг саҳардан ўша ерда бўлиб, хандақлар казиб, кўкда душман самолётлари пайдо бўлишини хушёрлик билан кузатардик. Узоқдан самолётнинг овози эшитилиши билан биз хандақда туриб, сим арқонга боғланган самолётларимизни тарақлатиб, тариллаб “ишга туширар”, жўрттага душманнинг эътиборини ўзи-



мизга қаратардик. Бизнинг хийламизга чиппа-чин ишонган душман устимизга тоннаб бомба ёғдириб кетарди. Табиийки, бу топшириқни бажаришга борганларнинг кўпчилиги ҳаёт билан видолашарди. Мен мана шундай “борса келмас”, ўта хавфли жанговар топшириқларни бажариш учун 10-15 марта жаҳаннам ёқасига борганман. Охириги марта борганимда ярадор бўлиб, Одессадаги 401-ҳарбий госпиталда узоқ даволандим. Худого шукр, тирик қолдим.

1945 йилнинг кузида галаба билан қайтган Комилжон Аҳмаджон ўғли Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқийшини давом эттириб, уни 1951 йили муваффақиятли тугатди.

Жангларда чиникқан, сабр-матонатли, тиниб-тинчимас Комилжон Зуфаров талабалик йилларидаёқ илмий ишга қизиқиши, мушоада-сининг кенглиги билан устозлари эътиборини тортиди. Институтни тугатиши билан аспирантурада ўқишнинг давом эттирди. Аввал Тошкент, сўнгра Москвадаги Марказий психиатрия илмий-текшириш институ-

ти патоморфология лабораториясида изланишларини изчиллик билан давом эттирди. 1954 йили тиббиёт фанлари номзоди, 1962 йилда фан доктори бўлди.

Турли йилларда Андижон тиббиёт институтида кафедра мудир, декан, Тошкент давлат тиббиёт институтида кафедра мудир, ректор, Ўзбекистон Ўлка илмий-тадқиқот институтини директори лавозимларида фаолият кўрсатди. Бевоситани унинг раҳбарлигида 60 га яқин фан доктори, 250 дан ортқ фан номзодлари етишиб чиқди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Абу Райхон Бериуний номидаги Давлат мукофоти лауреати, уруш ва меҳнат фахрийси Комилжон Зуфаров бугун орамида йўқ. Лекин унинг илм-фанимиз учун қилган иши, шоғирлари тиббиётнинг турли соҳаларида халқимиз қорига ярамоқда.

Искандар РАҲМОН, Куролли Кучлар фахрийси

ҚАҲРАМОНЛИК

Кексаларимиз инсон умри қанча яшагани билан эмас, ўзгаларга қанча яхшилик қилгани билан ўлчанади, деб бежиз айтмайди.

Ўзининг қисқа умри давомида бошқаларга яхшилик қилган, тенгдошлари орасида билим олиш, ютуқларга эришишда пешкадам бўлган Сардорбек Баҳодиров бугун орамизда йўқ. У 2018 йилда



Гулистон давлат университети табиий фанлар факультетининг “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” йўналишига ўқишга қабул қилинди. Таҳсил давомида истеъдоди ва қобилиятини намоён этиб, ўзининг тиришқоқлиги, жонқуярлиги билан барчага намуна бўлди.

Исмига мос бўлган Сардорбек Ёшлар иттифоқининг барча тадбирларида фаол иштирок этарди. У Иттифоқнинг вилоят кенгаши қошида ташкил этилган “Жасорат клуби” аъзоси сифатида ўз ватанпарварлик туйғуларини намоён этди. Гап шундаки, Сардорбек жорий йилнинг 30 апрель куни сувга чўка бошлаган вояга етмаган бир кизни кутқариб қолиб, ўзи ҳалок бўлди.

Сардорбекни Ватанимизнинг ҳақиқий фарзанди, йигитлик бурчини адо этган ўғлон сифатида вилоят ёшлари доимо ёдга олади. Мард йигитнинг бу жасорати ҳар бир ёшга намуна бўлади.

Анвар ТҲИЧИЕВ

“УРУШНИ ЭСЛАГИМ КЕЛМАЙДИ, АММО...”

— Ёшлигимни — уруш ва ундан кейинги қийинчиликларни эслагим келмайди, — дейди Паркент тумани “Беҳкала” маҳалласида яшовчи Тўхта ота Ҳожиёв. — Лекин фарзандларимиз бугунги дориларон кунларнинг қадрига етиши учун ўша даҳшатли воқеаларни тез-тез ёдга олиб, уларга ҳикоя қилиб беришдан чарчамайман.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тумандаги 25-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари Тўхта отанинг хонадонидан меҳмон бўлди. Тўксон беш баҳор билан юзлашган Тўхта ота сўзини бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга шукрона келтириш билан бошлади.

— Бу кунларнинг қадрига етишимиз керак, — деди нуруний ёшларга юзланиб. — Биз сизлардек пайтимизда ҳозиргидай имконият йўқ эди. Мамлакатимизда ёш ҳам, кекса ҳам бирдай эътиборда. Яқинда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш, уни тантана билан ўтказиш бўйича Президентимиз қарори эълон қилинди. Қарорда уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, қийналиб қолган бўлса, моддий-маънавий ёрдам бериш белгиланганини эшитдим. Худого шукр, ҳаётим тўқис. Лекин кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор сабаб, қувончдан кўзим намланди.

Тўхта ота ўқувчиларга уруш даҳшати ичра ўтган ёшлиги, ундан кейинги қийинчиликлар ҳақида сўзлади. Болаларга хос шўҳлик билан бир-бирига қувик қиладиган ўқув-



чилар нурунийнинг гапларини бир дам бўлмастан, жон қулоғи билан тинглади:

— Жангчи фақат омон қолиш ҳақида қайгуради. Урушда ҳамма ўзини ўйлаши табиий. Зеро, меҳр-оқибат, инсонийлик урушга ёт туйғу. Лекин халқимиз ана шу даҳшат ичида ҳам ўзлигини йўқотмаган. Жони хатарда бўлса-да, бошқалар ҳақида қайғурди. Ярадор қурлодошини жанг майдонидан елкалаб олиб чиқиш учун одам ўз жонидан кечган бўлиши керак. Ёки фарзандига нон топиб бериш мушкул бўлиб турган бир пайтда ўзга миллат болаларини боқиб олиш — бу қатта жасорат. Халқимиз ҳар қандай оғир шароитда ҳам халос яшаган, оқибатни унутмаган инсон доим кадр топишини яна бир бор исботлади.

Фарзандлари, набираро чевара-

лари ардоғида яшаётган отахон Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонида биноан ўзига берилган 7 миллион 500 минг сўм ҳисобидан болаларга китоб совға қилишни ният қилган.

Тўхта ота ўқувчиларга илм ўрганиб, халқимизга наф келтирадиган шахс бўлиб улғайиш ҳақида насихат қилди. Ўқувчилар бу файзли хонадондан чиқиб, мактаб сари йўл оларкан, отахоннинг сўзларини тақорлаб, бир-бирига эслатар ва тез-тез у кишининг ҳолидан хабарлашиб, дуосини олиш ҳақида гапирарди.

Зилола ВАҲОБОВА, Паркент туманидаги 25-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

